

“Мўътабар аёл” кўкрак нишони муборак бўлсин!

Бу йилги 8 март - Халқаро хотин қизлар байрами арафасида Ўзбекистон тумани “Шавкатжон Ноила Дилшодбек” фермер хўжалиги раҳбари Хозирова Махфиратхон Аминжоновна “Мўътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Президентимиз [фармони](#) билан таъсис этилган мазкур кўкрак нишонини Махфиратхон Хозировага куни кеча Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вилоят ҳокими Шухрат Ғаниев топширди.

Мазкур кўкрак нишони билан жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланишига ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган, шунингдек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар тақдирландилар.



Чапда: “Мўътабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси, “Шавкатжон Ноила Дилшодбек” фермер хўжалиги раҳбари Махфиратхон Хозирова, Ўнгда: «Шухрат» медали соҳибаси, “Соғлом авлод учун” хайрия фонди Ўзбекистон тумани таянч пункти директори Хулкархон Мадрахимова

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Халқ депутатлари Ўзбекистон тумани Кенгашининг депутати Махфиратхон Аминжоновнани ушбу юксак мукофот билан самимий қутлайди! Халқимиз фаровонлиги, юртимиз ривожига йўлидаги меҳнатларида зафарлар ёр бўлсин!

2020-03-09 22:35:51

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати